

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш
учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ПҚ-3697-сонли Қарорни
ижроси бўйича
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Санаси ва рақами	Бандлар сони	Топшириқ сони	Жорий йилнинг 20.02.2019 ҳолати			
				муддати келган топшириқлар сони	ижро этилган топшириқлар сони	ижро этилмаган топшириқлар	ижро этилиш даражаси
1.	ПҚ-3697 05.05.2018 й.	9	14	5	9		75%

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ПҚ-3697-сонли Қарорни ижроси бўйича
Маълумот**

№	Банд рақами ва топшириқ мазмуни	Бажариш муддати охири санаси	Ижро учун масъул вазирлик, идора, ташкилот ва муассасалар	Топшириқ ижроси тўғрисида таҳлилий маълумотлар
(ПҚ-3697 05.05.2018 й.)				
1.	<p>1.2-банд Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказларини ташкил этиш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини белгилаш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва самарали фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан ўрнатилган тартибда ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилсин.</p>	05.06.2018 йил	<p><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u> манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	<p>Бажарилмоқда. Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказлари Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида давлат ва хусусий шериклик шартлари асосида Марказлар ташкил этилди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида қурилаётган Давлат хизматлар агентлиги биносида жойлаштирилиш кўзда тутилгани, ҳозирда қурилиш ишлари олиб борилмоқда, Сирдарё, Жиззах, Хоразм, Самарқанд, Навоий, Бухора, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаларида давлат ва хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этилишида, ПҚ-3697-сонли Қарорига мувофиқ ер участкалари ёки бўш биноларни тадбиркорларни жалб қилган ҳолда ажратиш, жумладан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари оптималлаштирилиши ҳисобига бўшайдиган биноларни ажратишни таъминлаш, ёхуд уларни намунали лойиҳалар бўйича қуриладиган давлат хизматлари марказлари биноларида жойлаштириш борасида ишлар амалга оширилмоқда.</p>
2.	<p>1.3-банд Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган</p>	05.07.2018 йил	<p><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></p>	<p>Бажарилмоқда. Бугунги кунда вазирлик томонидан Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказлари</p>

	<p>Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказлари тўғрисида намунавий низом ишлаб чиқилсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқлансин.</p>		<p>манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	<p>тўғрисида Намунавий низом лойиҳаси ишлаб чиқилди. Вазирликнинг 2018 йил 24 сентябрдаги 02-10/4154 сон хати билан вазирлик ва идораларга келишиш учун юборилди. Намунавий низом лойиҳасига Молия вазирлигидан ташқари барча тегишли вазирлик ва идоралар ўз таклифларини тақдим этишди.</p> <p>2018 йил 20 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3980-сон “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Шу муносабат билан Молия вазирлиги 2018 йил 30 декабрда №5867-сон хатида “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қабул қилингандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги томонидан инновацион марказларнинг Намунавий низом лойиҳасини кўриб чиқиши ҳамда мазкур қонун асосида қабул қилиниш мумкинлиги қайд этиб ўтилган.</p> <p>Шундан келиб чиқиб, низом лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни қабул қилингач, ўрнатилган тартибда Молия вазирлиги қошидаги Агентлик билан келишиш учун киритилади.</p>
3.	<p>1.3-банд Юқори иқтисодий самара берадиган инновацион лойиҳалар-стартапларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш, инновацион фаолият натижаларини трансфер</p>	Доимий	<p><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги</u></p>	<p>Бажарилган Илмий ишланмаларни тижоратлаштириш учун ҳуқуқий база яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги «Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини</p>

	<p>қилиш ва тижоратлаштиришни жадаллаштириш мақсадида ҳудудни инновацион салоҳиятини ошириш, бунда давлат-хусусий шериклик шартларининг самарали механизмларини жорий этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилансин.</p>			<p>тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3855-сон Қарори қабул қилиниб, 43 та ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.</p> <p>Технологияларни тижоратлаштиришни қўллаб-қувватловчи махсус давлат ташкилотлари (давлат агентликлари, инновацион марказлари)ни яратиш ва ривожлантириш соҳасида хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказларининг Ишланмаларни тижоратлаштириш ягона марказини тузиш таклифи ишлаб чиқилди.</p> <p>Бугунги кунда вазирлик томонидан давлат-хусусий шериклик шартларининг самарали механизмларини жорий этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.</p>
<p>4.</p>	<p>2.1-банд</p> <p>Белгиланган асосий вазифалар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказлари тўғрисида ишлаб чиқиладиган намунавий низом лойиҳасида инобатга олинсин.</p>	<p>05.07.2018 йил</p>	<p><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги.</u> Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат рақобат кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказлари тўғрисида Намунавий низом лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда ПҚ-3697-сон қарори билан белгиланган асосий вазифалар инобатга олинган.</p>

			Тошкент шаҳар ҳокимликлари	
5.	<p>3.1-банд</p> <p>Маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.</p> <p>Зарур ер участкалари ва бўш биноларни хусусий шерикларга ҳақ ундирилмасдан, истисно тариқасида тўғридан-тўғри музокаралар асосида ажратишни тартибга солиш юзасидан амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф ишлаб чиқилсин.</p>	05.07.2018 й	<p><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	<p>Бажарилмоқда.</p> <p>Вазирлик томонидан амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ўрганилиб, таклифлар умумлаштирилмоқда.</p>
6.	<p>3.2-банд</p> <p>Ижро учун қабул қилинсин.</p> <p>Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва бошқа тегишли низомларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклиф ишлаб чиқилсин.</p>	05.07.2018 й.	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</p> <p>Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси дирекцияси</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари прогноз параметрларида Марказларнинг интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қилинган харажатларини қоплаш учун маблағлар ажратиш режалаштирилган.</p>
7.	<p>3.3-банд</p> <p>Ижро учун қабул қилинсин.</p> <p>Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиш ва тижоратлаштиришда давлат шеригининг мажбуриятлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказлари</p>	05.07.2018 й.	<p><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></p> <p>Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатув кенгаши, давлат ва</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Инновацион ғоялар, ишланмалар, ва технологиялар марказлари тўғрисида ишлаб чиқилган Намунавий низом лойиҳасида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиш ва тижоратлаштиришда давлат шеригининг мажбуриятлари киритилди.</p>

	тўғрисида ишлаб чиқиладиган намунавий низом лойиҳасида инобатга олинсин.		хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари	
8.	4.1-банд Маълумот ва ижро учун қабул қилинсин. Корпоратив венчур фондларни ташкил қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилсин. Бунда корпоратив венчур фондларининг маблағлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказларининг тадқиқотлари ва инновацион ишланмаларини молиялаштиришга йўналтириш ҳам назарда тутилсин.	05.07.2018 й.	<u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u> давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари	Бажарилди: Венчур фондларини ташкил қилиш бўйича қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қарор лойиҳаси тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилиб, Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. 2018 йил 24 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5583-сонли Фармони қабул қилинди.
9.	5.1-банд Ижро учун қабул қилинсин. Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва бошқа тегишли низомларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклиф ишлаб чиқилсин. Бунда Жамғарманинг инновацион лойиҳаларни молиялаштириш умумий ҳажмининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағларини Марказлар учун захира қилиш назарда тутилсин.	05.07.2018 й.	<u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u> Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси дирекцияси	Бажарилди. Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатув кенгашининг 2018 йил 23 июлдаги 4-сон қарорига мувофиқ: Жамғарманинг инновацион лойиҳаларни молиялаштириш умумий ҳажмининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағларини захира қилиш 2018 йилда унинг даромадлари ва харажатлари прогноз параметрларида бошқа харажатлар учун режалаштирилган маблағлар доирасида амалга оширилади. Жамғарманинг инновацион лойиҳаларни молиялаштириш умумий ҳажмининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағларини захира қилиш 2019 йилдан Жамғарманинг даромадлари ва

				харажатлари прогноз параметрларида ўрнатилган тартибда кўзда тутилади.
10.	<p>5.2-банд</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказлари тўғрисида ишлаб чиқиладиган намунавий низом лойиҳасида давлат шериги сифатида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, бошқа давлат органлари, корхона ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хусусий лойиҳаларни танлаб олишнинг асосий мезонлари ва давлат-хусусий шериклигининг бошқа шартлари аниқ белгилаб қўйилиши таъминлансин.</p> <p>марказларнинг қурилаётган биноларига барча зарурий ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини, коммунал инфратузилмаларни олиб келиш электр энергияси қисми бўйича – “Ўзбекэнерго” АЖ ҳисобидан, газ таъминоти қисми бўйича – “Ўзтрансгаз” АЖ ҳисобидан, телекоммуникация тармоқлари қисми бўйича – “Ўзбектелеком” АК ҳисобидан, автомобиль йўлларини қуриш қисми бўйича – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ҳисобидан, сув таъминоти, канализация ва автостанцияларни қуриш қисми бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар</p>	05.07.2018 й.	<u>Инновацион ривожланиш вазирлиги</u> , давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари	<p>Бажарилди.</p> <p>Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказлари тўғрисидаги Намунавий низом лойиҳасига давлат шериги сифатида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, бошқа давлат органлари, корхона ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хусусий лойиҳаларни танлаб олишнинг асосий мезонлари ва давлат-хусусий шериклигининг бошқа шартлари аниқ белгилаб қўйилиши киритилди.</p>

	<p>маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан марказларни ташкил этиш бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда белгиланган муддатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;</p> <p>марказларнинг бинолари фойдаланишга қабул қилинганидан кейин маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қулай транспорт йўналишлари ва йўловчи транспортнинг бир маромда ишлашини ташкил этади.</p>			
11.	<p>7.1-банд</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси:</p> <p>икки ой муддатда потенциал инвесторларни қидириб топиш ва улар билан мазкур қарорда белгиланган давлат-хусусий шериклик шартларида марказларни ташкил этиш тўғрисидаги келишувларни тузишни;</p> <p>Ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий ва инновацион салоҳияти ҳамда келгусида инновацион ривожлантириш талабларидан келиб чиққан ҳолда потенциал инвесторларни шакллантириш ва давлат-хусусий шериклик шартларида марказларни ташкил этиш юзасидан ўрнатилган тартибда келишувлар тузилсин.</p>		<p><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></p> <p>Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Шунингдек, халқаро грант ва ҳомийлик маблағларини ажратиш мақсадида халқаро ва хорижий ташкилотлар, молия институтлари вакиллари билан музокаралар ўтказиб, ҳамкорликни кенгайтириш борасида уларни янада кўпроқ жалб қилишни сўраб 2018 йил 27 сентябрда 02-13/4214-сон хат Ташқи ишлар вазирлигига ва Ташқи савдо вазирлигига юборилди.</p> <p>Шу билан бир қаторда, Марказ қуриш учун потенциал инвесторларни қидириб топиш ва улар билан мазкур қарорда белгиланган давлат-хусусий шериклик шартларида марказларни ташкил этиш кўмаклашиш борасида Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига 2018 йил 27 сентябрда 02-10/4224-сон хат юборилди. Лекин юқоридаги ташкилотлардан хатга жавобан амалий ёрдам шу пайтгача берилмади.</p>
12.	<p>7.2-банд</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда марказларни ташкил этишда қатнашишга жалб қилиш, жумладан, грант ва ҳомийлик маблағларини ажратиш мақсадида халқаро ва хорижий</p>	05.07.2018 й.	<p><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги</u></p> <p>Инвестициялар бўйича бажарилмоқда. давлат қўмитаси,</p>	<p>Бажарилмоқда.</p> <p>2018 йилнинг 5-11 май кунлари илғор инновацион технологиялардан фойдаланишда Хитой тажрибасини ўрганиш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирининг биринчи ўринбосари ХХРга ташрифи бўлди.</p>

	<p>ташкilotлар, молия институтлари вакиллари билан музокаралар ўтказишни;</p> <p>Жаҳон тажрибасини чуқур таҳлил қилиш асосида инновациялар соҳасида илғор давлатлар, етакчи халқаро ва хорижий ташкilotлар, молия институтларини марказларни ташкил этиш фаолиятига кенг жалб қилиш юзасидан ҳамкорликни кенгайтириш чоралари кўрилсин.</p>		<p>Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги</p>	<p>Ташриф давомида Хитой томон “Hi-Tech” технологиялари соҳасидаги экспертлар жамоаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикасига ташриф буюришни ва инновацион марказларни ривожлантиришда янада инвестицияларни ошириш истагини билдирди.</p> <p>Шунингдек, “Huawei Tech Investment Tashkent” ва Инновацион ривожланиш вазирлиги ўртасида ҳудудлардаги битта инновацион марказнинг жиҳозлаш бўйича инвестиция киритиш ва “ақлли шаҳар” лойиҳаси ҳамда илмий марказларни ташкил этиш бўйича тажриба алмашиш ҳақида ўзаро ахдлашув меморандуми имзоланди.</p> <p>Шу муносабат билан, вазирлик томонидан Жаҳон банки билан икки томонлама келишувлар олиб борилмоқда, 2019 йил 8 ва 18 январ, 13-14 феврал кунлари Жаҳон банки вакиллари билан учрашувда, улар томондан инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказлари кўллаб қувватлаши, бу борада Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида ташкил этилаётган Марказларни ходимларини ўқитиш, уларни хорижий давлатларда малакасини оширишга юбориш, ҳамда мазкур вилоятлардаги Марказларни зарур лаборатория жиҳозлари билан таъминлашга кўмаклашишга амалий ёрдам бериш таклифини билдиришди. Ҳозирда Жаҳон банки билан яқуний музокаралар ўтказилмоқда.</p>
<p>13.</p>	<p>7.3-банд</p> <p>Бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида марказларга ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни, жумладан, давлат харидлари доирасида тижоратлаштириш имкониятларини кенгайтиришда ҳар томонлама кўмаклашадиган</p>	<p>05.06.2018 й</p>	<p><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u> Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Қорақалпоғистон</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ишланмаларини тижоратлаштиришни янада такомиллаштириш тўғрисида таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий</p>

	<p>Марказлар ишланмаларини тижоратлаштириш ягона марказини ташкил этиш тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритишни;</p> <p>Манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Марказлар ишланмаларини тижоратлаштириш ягона марказини ташкил этиш тўғрисида асосланган таклифлар ишлаб чиқилсин.</p>		<p>Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	<p>фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3855-сонли Қарори қабул қилинди.</p> <p>Қарорда Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритилиб, тижоратлаштириш бўйича алоҳида вазир ўринбосари ҳамда бошқарма ташкил этилди. Бугунги кунда, тадбиркорлар иштирокида 16 компания ташкил этилди.</p> <p>04.06.2018 йилдаги 03-14/1923-сонли хат асосида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилди.</p>
<p>14.</p>	<p>7.4-банд</p> <p>Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг ёритиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига етказишни таъминласин.</p> <p>Мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг ёритиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида туркум телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар, давра суҳбатлари ва махсус семинарлар ташкил этиш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар кўрилсин.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига мазкур қарор шартларини қўлаган ҳолда туман (шаҳар)ларда марказларни ташкил қилишга рухсат этилсин.</p>	<p>05.07.2018 й.</p>	<p><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></p> <p>Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Мазкур қарорда белгиланган давлат-хусусий шериклик шартларида марказларни ташкил этиш тўғрисидаги маълумотларни тадбиркорларга етказиш учун 2018 йил 5 май куни “Ўзбекистон 24” телеканалда Қарор мазмун-моҳиятини ёритишга мўлжалланган информацион дастур тақдим этилди.</p> <p>Шунингдек, вазирлик ходими 2018 йил 8 июнь куни Фарғона вилоятида Инновацион марказларни очилишининг асосий шартлари, мажбуриятлари, имтиёзлари ҳамда уларнинг иш фаолияти юзасидан Фарғона вилоятидаги ОАВларида батафсил маълумот берди. Бундан ташқари, “Бугуннинг мавзуси” мавзусидаги Ёшлар телеканалига ЎзР. Президентининг 3697-сонли Қарорида белгиланган инновацион марказлар очиш масалада интервью берилди.</p> <p>Шу билан бирга, 5-26 ноябр кунлари инновацион ривожланиш вазирлиги ЎзЛиДеП билан ҳамкорликда республикамизнинг барча вилоятларига (Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ҳамда Қашқадарё, Навоий, Бухоро, Хоразм, Андижон, Наманган,</p>

				Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида) Инновацион ривожланиш стратегияси ва ЎзР. Президентининг 3697-сон Қарорининг мазмун моҳиятини ҳудудлардаги инновация йўналишига маъсул бўлган ҳокимликлар раҳбар ўринбосарлари, ОТМлар проректорлари ва тадбиркорларга тушунтириб бериш бўйича тадбирлар ўтказилди.
--	--	--	--	---